



Раъно САЙФУЛЛАЕВА
профессор
филология фанлари доктори
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

ИККИ ВА УЧ ТИЛЛИК (БИ-ТРИЛИНГВИЗМ)НИНГ ЭФФЕКТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мақолада ҳар қандай тил синтактик структурасининг болалар тафаккури интеллектуал ривожланишига таъсир қилиши масаласи кўриб чиқилган.

В статье рассматривается вопрос о воздействии синтаксической структуры языка на интеллектуальное развитие мышления детей.

The article considers the question of influence of the syntactic structure of a language on the intellectual developing of children's thinking.

Калит сўзлар: илмий кашфиёт, монолингв, билингв, трилингв, филология, лингвистика, психология, интеллект, қобилият, миллат.

Ключевые слова: научное открытие, филология, монолингв, билингв, трилингв, интеллект и способности, нации и национальности, лингвистика, психология.

Key words: scientific exploration, philology, monolingual, bilingual, trilingual, intellect and abilities, nations and nationalities, linguistics, psychology.

Олдинги ишларимизда она тили синтаксиси структурасининг бола тафаккури ривожланишига таъсирини монолингвлар мисолида кўриб чиққан эдик. Тилшунос олимлар А.Р. Сайфуллаев ва Ф.С. Убаеваларнинг ўтказган тажрибаларидан маълум бўлдики, бир хил шароитда ўсган ва ирқи, миллатидан қатъий назар мураккаб структурали синтаксиси мавжуд она тилини ўрганган боланинг тафаккур қилиш қобилияти содда структурали синтаксисга эга бўлган она тилини ўрганган боланинг қобилиятидан анча юқори бўлади. Тиллар синтаксиси структураси бу хусусиятининг бундай таъсири муаллифлар томонидан “Ф.С. Убаева номидаги монолингвистик эффекти” деб номланган эди. Қуйида А.Р. Сайфуллаевнинг би-

трилингвистик эффекти ҳақида фикр юритамиз. Бунда гўдаклигидан икки ёки уч тилни ўрганган болалар тафаккур қилиши қобиляти таҳлили берилади. Олимлар томонидан ўтказилган тажрибалар жараёни шуни кўрсатдики, она тили синтактик структураси мураккаб бўлиб, ўрганаётган хорижий тил синтактик структураси соддароқ бўлса, унинг бола тафаккур қилиши қобилятининг ривожланишига таъсири деярли бўлмайди, жадаллашган ривожланиши ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ўринда фикр фақат монолингвлар ҳақида бормоқда. Гўдаклигидан синтаксис структураси мураккаб бўлган она тилига эга бўлиб, у билан бир қаторда яна бошқа хорижий тилни ўрганган боланинг монолингв тенгдошидан ақлий ўсиши юқори бўлади ва келажакда интеллектуал жиҳатдан ривожланган инсон бўлиб етиши табиий. 1992–2000 йилларда ўзбек олимлари – А.Р. Сайфуллаев ва Ф.С. Убаеванинг ўтказган тажрибалари ҳозирда ҳам мухтарам Президентимиз томонидан хорижий тилларни ўрганиш тизимини яна такомиллаштириш чоралари тўғридаги (2012й. 10декабрь) фармонининг ўта долзарблиги ва ниҳоятда аҳамиятлилигини кўрсатиб турибди. Бошқача қилиб айтганда, масалан, папуас боласи гўдаклигидан инглиз тилини ўрганган бўлиб, монолингв бола билан бир хил шароитда ўсса, улғайса, ривожланса ва болалигидан инглиз тилини билса, хоҳлаган монолингв инглиз боласидан ажралиб туради. Болалигидан папуас тилини хорижий тил сифатида ўрганган инглиз боласи ўз ватандоши-тенгдоши монолингвдан ақлан устун бўлмайди. Бу ўринда болаларниг бир хил шароитда яшаши, ўқитилиши ва ривожланиши назарда тутилади. Мана шу ҳол дунё тиллари синтактик структураси мураккаб бўлган ва уларга нисбатан содда тиларга тегишлидир. Муаллифлар фикрича, бу уникал ҳолат собиқ иттифок территориясида бўлган, яъни ҳамма миллий республикаларда бошланган, чунки ҳар бир республикада туғилган бола гўдаклигидан рус тилинигина эмас, балки бошқа тиллар оиласига кирувчи тожик(айниқса, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари аҳолиси вакиллари) тилини ҳам яхши билишарди. Худди мана шу ҳол Кавказ республикалари аҳолисининг яшаш жараёнида ҳам бўлган. Мана шу жойларда туғилган болалар она тиллари билан бир пайтда ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда рус тилини ўрганиб борган ва шунинг учун улар интеллектуал жиҳатдан ўз монолингв тенгдошларига нисбатан яхши ривожланган. Албатта, табиатан генетик жиҳатдан ривожланаган русийзабон монолингв болалар бундан истисно. Тилшунос олимлар А.Р. Сайфуллаев ва Ф.С. Убаеванинг монолингв ва билингв болалар орасида ўтказган тажрибаларини улар яшаган даврда эълон қилиш имконияти йўқ эди. Ҳозирда ғарб олимларининг ўтказган тажрибалари ўзбек олимлари аниқлаган натижаларини тасдиқлади, хусусан, ғарб олимлари-тилшунос ва

психологлар, асосан, америкалик олимлар тадқиқотлари натижалари бўйича тахминан 35–40 йилдан буён ўрта ёшли европаликнинг бош суяк қутиси ўз ички таснифи ва ташқи параметрларига ва умумий хажмига кўра хитой ва корейлик, умуман, Осиё халқлари вакиллари бош суяк қутисидан сезиларли даражада кичрайган. Шунингдек, хоҳлаган ҳар бир америкаликнинг бош суяги қутиси япо ва араб халқлари вакиллари бош суяги қутисидан анча кичик. Россия христианининг бош суяги қолипи эса, хажм жиҳатдан россия мусулмони бош суяги қолипидан анча кичик ва бундай болалар келажакда интеллектуал жиҳатдан россия христианидан юқори бўлади. Бунинг сабаби шундаки, россия мусулмони гўдаклигидан билингв бўлиб, хорижий тилни ўрганса, россия христиани боласи мактаб ёшидан бошлаб хорижий тилни ўргана бошлайди ва бунда хоҳлаган чет тили мантиқийлиги русийзабон ўқувчи миясида янги нейрон алоқаларни ярата олмайди.

Бир пайтнинг ўзида монолингвистик ва психологик тажрибалар билан биргаликда би- ва трилингвистик тажрибалар ўтказиш ва уларнинг қийсий таҳлилини бериш турли тилларнинг нафақат монолингвистик, балки билингвистик нисбийлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу каби тажрибалар ўтказиш фикри немис тилшуноси В. Гумбольдтнинг ҳар бир тил ўз халқи атрофида айлана ясайди ва маълум бир шахс бошқа айланага кирсагина, ундан чиқа олиши мумкинлиги ҳақидаги ғояси натижасида келиб чиққан. Олим миллий тиллар доирасида фақат маънавийнинг инсоният тараққиётига таъсирини ҳисобга олган. Ваҳоланки, маънавий ҳар хилликлар турли этнос ва халқ интеллектуал тараққиётининг натижасидар. Ф.С. Убаева ва А.Р. Сайфуллаевларнинг фикрича, реалликни объектив қабул қилиши ва ўзининг юқори мантиқий тафаккури билан билингв ва трилингвлар ўз она тили айланасидан чиқиб, бошқа тил мантиқий айланасига кирганда, уларнинг бош мияси анча эгилувчан ва тез қабул қилувчи бўлиб, реалликка мантиқ жиҳатдан, нейрофизиологик нуқтаи назардан ёндашади. Худди мана шу ҳолатни ҳар бир миллат боласи гўдаклигида тез ва яхши қабул қилади, аммо вояга етаётган пайтда бундай бўлмаслиги аниқ. Индейцларнинг хоппи қабилиси тилини текширган Б. Уорфнинг фикрича, тил-дунё калити ёки бу ташқи олам устига ташланган тўр ҳамда инсон унинг тили нимани яратса, ўшанигина била олади. Рус тилшуноси Л.В. Шчерба эса, монолингвларнинг билингвларга айланаётганларидагина унда хорижий тилни ўз она тили билан қиёслашга асос пайдо бўлади, яъни “унинг фикри сўз қамалидан озод этилади”. Ўзбек олимлари Л.В. Шчербанинг бу фикрини қувватлаб, ўз тажрибалари асосида қуйидаги хулосага келишганини баён этишган эди: биринчидан, ўз она тили синтаксиси мантиқан мураккаблиги жиҳатдан қолишмайдиган хорижий тилни ўрганса, ва, иккинчидан, хорижий тилни

гўдаклигидан она тили билан биргаликда ўрганишни бошлаган ҳолатлардагина инсоннинг фикри сўз камалидан чиқади. Шунга боғлиқ равишда шуни айтиш керакки, ҳар бир билингв бошқасидан фарқ қилади, чунончи, бир томондан, гўдаклигидан она тили билан бир қаторда чет тилини ўрганган билингвлар, бошқалари она тилини яхши била туриб, болаликнинг илк давридан хорижий тилни ўрганишган, яна бирлари эса, болаликнинг илк давридан ўтгач, чет тилини ўрганган билингвлардир. Булар, ўз навбатида, икки хил бўлади, яъни бирлари-икки тилни алоҳида-алоҳида қўллайди, ишда бир тилда, уйда бошқа тилда гаплашадиган тоза билингвлар типи. Масалан, Парагвайда олдинги даврда ва ҳозир ҳам тўйгача испан тили, тўйдан кейин эса она тили-индейцлар тили – гуаранида гаплашилади. Ёки мамлакатимиз Бухоро, Самарқанд вилоятлари, шаҳарлари ва туманларида аҳоли уйда тожик ёки рус, мактабда, ишда в.х.ларда эса ўзбек тилида гаплашадилар. Агар бола гўдаклигидан билингв бўлса, у боғча ёки мактаб, уйда ҳар хил тилларда гаплашаётганини англамаслиги ҳам мумкин. Бир тилдан иккинчисига ўзи билмаган ҳолда ўтадиган билингвлар аралаш типдаги билингвлар деб номланади. 1-синфга ўқишга бораётган бундай бола ўз бошқа тенгдошларидан мантиқий ва ақлий-интеллектуал ривожини билан фарқ қилади, яъни уларга нисбатан ҳаётида юқори ютуқларга эришишга муваффақ бўлади. Бошқа ҳамма ҳолатларда ривожланган мамлакатларда ҳам ўқувчи миясига бирор чет тилини “киритишда” ўқитувчилар қийналадилар. Шу ҳолатнинг бўлмаслиги учун болаларни “йўрғакдан” – боғчадан бошлаб ўқитадиган дастурларни ишлаб чиқиш зарур. Шунда мактаб ўқитувчилари бу ўқитишни катта муваффақият билан мукаммаллаштирадилар. Ўзбек олимларининг анча олдин ўтказган тажрибаларининг тўғрилиги ва меҳнатларининг зое кетмагани Мустақиллик даврида ўз ифодасини топди!

Кўп психологик ва лингвистик тажрибалар натижасида муаллифлар томонидан ўз она тилига нисбатан содда тилни ўрганган одамларга билингвистик эффект мутлақо йўқлигини қуйидагича талқин қилдилар: Яхши маълумки, хоҳлаган ва ҳар бир боланинг бош миясига гўдаклигида ҳамма нарсанинг, хусусан, эшитиш – кўриш таассуротлари ҳам таъсир қилувчи кучига эга. Она қорнидаги пайтда кўриш таассуротларининг йўқлиги туфайли бола мияси структурасига тил таассуротлари энг кучли ва ҳал қилувчи булиб ҳисобланади ҳамда уларни у онасининг қорнида қабул қилади. Она қорнида бола унинг овози ва она тилини эшитади. Демак, чақалоқ она тили структурасини она қорнида ўргана бошлайди. Туғилгандан сўнг ва улғайишига қараб унинг учун нотаниш булган структурасига эга бўлган тилни эшитади. Шунда буларни хазм қилиш учун бола миясига нейрон алоқалар зарур. Чет тили она тилига нисбатан содда бўлса, бола

мияси она тили вужудга келтирган ўхшаш алоқалар билан қониқади ва янги сўз ҳамда тушунчаларни хотирасида қолдиради. Бундай ҳолатларда бола мияси тез темплар билан ривожланиши мумкин эмас.

Шуни айтиш керакки, ўзбек олимлари Ф.С. Убаева ва А.Р. Сайфуллаев томонидан тақдим этилган ушбу илмий ғоя-лингвистик гипотезанинг собиқ иттифоқда ижтимоий-гуманитар фанлардаги илмий кашфиёт ҳақидаги Низом йўқ эди, шу сабабдан олимлар ўтган аср 90-йилларда нафақага чиққач ва фарзандлари олим бўлишгач, ўз айрим эски ва янги илмий-лингвистик ғояларини амалиётда синаш ва хулосалар қилишга жазм этиб, реал лингвистик ва психолингвистик назарияларга айлантира бошладилар. Олимлар ўтказган тажрибалар натижалари тўла-тўқис Россия мамлакати матбуотида эълон қилинган. Қуйида ўзбек олимлари олиб борган ишлари натижаларини қисқартирилган тарзда берамиз ва “Болалар ақлий-мантиқий ривожланиши нисбий жадаллашиши ва катталар интеллектуал-мантиқий ривожланишининг қиёсий ўзиб кетиши ҳақидаги А.Р. Сайфуллаев номидаги би-трилингвистик эффекти” формулассини келтирамиз:

“Олдинги даврларда маълум бўлмаган би-трилингвистик эффект шаклида дунё хоҳлаган сўзлашув тилларининг синтаксиси хусусияти нормал инсон боласи ирқи, миллатига боғлиқ бўлмаган равишда ақлий-мантиқий нисбий ривожланиши ва унинг жадаллашиши моҳияти шундаки, она тили билан бир пайтда унинг синтаксиси структурасига нисбатан содда ёки мураккаб бўлган рус ёки форс, немис, араб ёки инглиз тиллари каби хорижий тилларини ўзининг гўдаклигидан ўрганган ва фикр билдира оладиган, яъни гўдаклигидан билингв ёки трилингв бўлган болалигидан рус ёки немис, форс ёки инглиз каби структураси мураккаб тилларга ўхшаган фақат биргина она тилини ўрганган ва фикрларини ифодаладиган ҳамма монолингвларга нисбатан ақлий-мантиқий жиҳатдан тез ревожланиши ва келажакда тафаккури ривожланишининг жадаллашиши билан интеллектуал инсонга айланиши назарий аниқланган ва исботланган”.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Выготский Л.С. Мышление и речь. – М., 1996; Развитие высших психических функций. – М., 1960.
2. Леонтьев А.А. Возникновение и развитие языка. – М., 1963; Язык, речь и речевая деятельность. – М., 1969.
3. Лурия А.Р. Речь и интеллект в развитие ребёнка. – М., 1928; Язык и сознание. – М., 1998.
4. Мельникова А.А. Язык и национальный характер. – СПб., 2003.
5. Пешковский А.А. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1939.
6. Убаева Ф.С. Докторская диссертация. – Т., 1972. Научный архив, 2002.
7. Сайфуллаев А.Р. Докторская диссертация. – Т., 1974. Научный архив, 2003.

8. Сайфуллаева Р.Р. Генезис – история и психология речи и теория происхождения языков. Диссертация на соискание учёной степени Гранд доктора психологии в области «Психология общения, речь и риторика»(МВУС-37.031). – Т., 1992; Санкт-Петербург, 2010.
9. Сайфуллаева Р.Р., Сайфуллаев Ш.Р. и др. Генезис речи и происхождение языков. В 3-х тт. – СПб., 2010–2011; Гений Авиценна и Титаны Европы. В 2-х тт. – СПб., 2011.
10. Сайфуллаев Ш.Р. Эволюция и природа интеллекта. В 2-х тт., СПб., 2005, Эволюция женщин и генезис женской логики. В 5-ти тт., 2010–2011.
11. Соколов А.Н. Внутренняя речь и мышление. – М., 1962.
12. Цветкова Л.С. Мозг и интеллект. – М., 1995.